

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАВШАНОВ ЛОЧИНБЕК УРИНОВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ ИМИЖИНИНГ ПСИХОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ**

**19.00.01 – Психология тарихи ва назарияси. Умумий психология.
Шахс психологияси.**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2019

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Psychological Sciences**

Равшанов Лочинбек Уринович

Замонавий ҳарбий хизматчи имижининг психологик жиҳатлари.....3

Равшанов Лочинбек Уринович

Психологические аспекты имиджа современного военнослужащего25

Ravshanov Lochinbek Urinovich

Psychological aspects of image the modern member of army forces.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАВШАНОВ ЛОЧИНБЕК УРИНОВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ ИМИЖИНИНГ ПСИХОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ**

**19.00.01 – Психология тарихи ва назарияси. Умумий психология.
Шахс психологияси.**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2019

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/P125 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (psi-ik.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухамедова Дилбар Гафурджановна
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жаббаров Азим Меликулович
психология фанлари доктори, профессор

Халилова Наргиза Икромалиевна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги Академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Psi.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети 5-қават, 511-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, “В” қисми, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.Р.Баратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, психол.ф.д., профессор

Ў.Б.Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

Э.Ғ.Ғозиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, психол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда давлатлар томонидан ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал, ахлоқий-руҳий, касбий ва жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш борасида мунтазам ислоҳатлар олиб борилмоқда. Давлатларнинг олий мақсади – халқининг тинч ва фаровон яшашини таъминлашдан иборатдир. Ҳар бир давлатнинг халқаро майдонда кучли армияга эга бўлиши муҳим ҳисобланади. Дунё мамлакатлари томонидан тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликда халқаро хавфсизликни таъминлаш ва ҳарбий куч-қудратларини юксалтириш борасида “Ҳамдўстлик жангчиси”, “Бутунжаҳон тартиб посбони”, “Ҳарбий олимпиада”, “Халқаро учувчисиз учар курилмаларни бошқариш мусобақаси” ва “Йўл патрули” каби Халқаро армия ўйинлари ташкил этилди¹. Бу эса, давлатларнинг дўстона муносабатларини ўрнатишда ва армиянинг муҳофаа салоҳиятини белгилашда асосий омил эканлигидан далолат беради.

Дунёда ҳарбий хизматчиларнинг касбий, интеллектуал ва ахлоқий-руҳий тайёргарлигини оширишга ҳамда уларнинг психологик ҳолатини тадқиқ этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. “Дунёнинг энг қудратли армиялари” рейтингини аниқлашда, давлатлар армиясининг психологик муҳофаа фаолияти ва ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади². Бу борада, ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги, психологик хусусиятлари, жанговар ҳолатини таъминловчи психологик компонентлари ва хизмат фаолиятининг ижтимоий-психологик хусусиятлари шу ўринда, ҳарбий хизматчи имижининг психологик жиҳатларини аниқлаш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини таъминлайди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда муҳофаа қудратини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳофаа салоҳиятимизни янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар янги сифат босқичига кўтарилди³, ҳарбий хизматчиларнинг руҳий тайёргарлиги бўйича принципиал жиҳатдан янги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ахлоқий-руҳий таъминоти концепцияси”⁴ ишлаб чиқилди, ҳарбий хизматчиларимизда миллий ва жанговар руҳни ривожлантириш асосий омиллардан бири сифатида эътироф этилди, бунинг учун Қуролли Кучлар тизимида ҳарбий психолог, социолог лавозимлари жорий этилди. Бу ўз навбатида, ҳарбий хизматчилар фаолияти билан боғлиқ шахсий-касбий фазилатларни белгиловчи психологик омилларни тадқиқ этиш долзарб масала эканлигини тасдиқлайди.

¹ <http://parstoday.com/uz/news/uzbekistan-i18588>

² <http://www.globalfirepower.com>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ахлоқий-руҳий таъминоти концепцияси”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори ҳамда 2019 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ахлоқий-руҳий таъминоти концепцияси”ни шунингдек, ушбу фаолият тизимида тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий ҳарбий хизматчи имижининг психологик жиҳатларини тадқиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги бўйича принципиал жиҳатдан янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиши зарур”⁵ ва “Ҳар бир ҳарбий хизматчининг профессионал билим ва малакаси, ақлий салоҳияти, руҳий тайёргарлигини ошириш, уларда ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш ўта муҳим аҳамиятга эгадир”⁶ – деган устувор вазифалари илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Кейинги йилларда шахс ва шахс қиёфасининг психологик хусусиятлари, ҳарбий хизматчининг шахсий-касбий фазилатларини белгиловчи психологик омиллари ва ҳарбий хизматчи имижининг психологик жиҳатларини ўрганиш борасида илк илмий тадқиқотлар хориж психолог олимлари изланишларида ўз аксини топган бўлсада, жаҳон ҳарбий санъатига бебаҳо ҳисса қўшган, буюк саркарда ва давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур ўз “Темур тузуклари”да давлатни бошқаруви ва хизматини ташкил этишда раҳбар ва амалдорларнинг руҳий сифатларини эътироф этиб, улар қаттиқўл, тадбиркор, ниҳоятда адолатли, лекин раҳмдил, инсонпарвар, ҳалол ва пок бўлишини кўрсатган. Шунингдек, саркардаларни саралаш ва лавозимларга қўйишда уларнинг насл-насабига, ақл-фаросатига, халқпарварлигига, тинчликсеварлик, сабр-тоқатлилик, адолатпарварлик, кўтаринки руҳий ҳолатига, зийраклигига, малакаси ва одамлар билан муроаса қилиш фазилатларига алоҳида эътибор берган”⁷. Бу эса, Амир Темур ўз фаолиятида ҳозирги замон психологиясининг ижтимоий-психология, бошқарув психологияси, этнопсихология, оператив

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 январдаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва Ватан химоячилари куни муносабати билан байрам табриги.

⁷ Муқимов З. “Амир Темур тузуклари” тарихий-ҳуқуқий тадқиқот. Самарқанд: СамДУ, 2008. – 131 б.

фаолият психологияси ва касб психодиагностикаси таълимотларидан оқилона фойдаланганлигини кўрсатади.

Мамлакатимиз олимларидан Э.Ғозиев, В.Каримова, А.Жаббаров, Д.Мухамедова, Р.Самаров, А.Расулов ва Л.Турсуновларнинг “ҳарбий психология, ҳарбий шахс модели, амалий ҳарбий психология, мудофаавий фаолият назарий ёндошувлари, Қуролли Кучлар имижини шаклланиши, бошқарув психологияси каби ижтимоий психологияга оид тадқиқотлари ва илмий монографиялари”⁸ тадқиқот ишимизда эътиборга моликдир.

Генерал-лейтенант В.Серебрянниковнинг таъкидлашича, “Давлат томонидан армия хусусида яратиладиган имиж катта ижтимоий кучга эга. Ҳарбий хизматнинг тўғри йўлга қўйилганлиги давлат имижини кўтаради, армияга нисбатан ҳурмат ва ҳарбий хизматчиларга ишончни уйғотади, ҳарбийлар ва фуқароларнинг жипслигини таъминлайди, аҳолининг ҳарбий хизматга ҳурматини оширади”⁹.

Армия генерали В.Суворов таъкидича, армиянинг асосий речаги ва объекти ҳарбий хизматчилар ҳисобланади. Демак, ҳозирги кунда ҳарбий хизматчи имижини психологик жиҳатдан ўрганиш муҳим ҳисобланади. Чунки, “ҳарбий хизматчининг ижобий имиж билан шаклланганлиги, ўз навбатида Қуролли Кучлар имижини етуклиги билан баҳоланади”¹⁰.

Шахсга хос имиж ва имижнинг турли таснифларининг ўрганилишида “Джи.Бобби, П.Берд, Л.Браун, Ф.Дейвис, А.Панасюк, Г.Почепцов, М.Спиллеин, Э.Утлик, В.Серебрянников, И.Нефедова, А.Ковальчук, Е.Орлова, А.Ростунов, В.Прохвощев, В.Суворов, С.Бурда, Б.Теплов, В.Усманов, В.Ковалевский, А.Маклаков, В.Прохвощев, Ю.Забродин ва бошқа тадқиқотчиларнинг турли илмий ишларида асосий ўрин эгаллайди”¹¹.

Ҳарбий фаолият имижини борасидаги кўплаб изланишлар “психологик қиёфа” масаласига ҳам ойдинлик киритди. Тадқиқотчилар етакчи ва илғор менежерларнинг ижобий қиёфасини аниқладилар. Айни шу ҳолат шахс имижини

⁸ Ғозиев Э.Ғ., Мамедов К.Қ. Касб психологияси.–Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти, 2003. – 34 б.;Турсунов Л.С., Расулов А.И., Чориев Ф.А., Девяткин А. Ҳарбий психологларни тайёрлаш модели. – Т.: ЎЗМУ, 2016. – 49 б.; Самаров Р.С. Мудофаавий фаолият назарий ёндошувлари – Тошкент, 2017. – 156 б.

⁹ Серебрянников В.В. Социология войны. – М.:Ось, 1998. - 92 с.

¹⁰ Суворов В. Социально-психологический портрет воинского коллектива //Войсковой вестник. – Москва,2005.№ 3. – 40-65с.

¹¹ Бобби Джи. Имидж фирмы. Планирование, формирование, продвижение. – СПб., 2000. – 224 с.; Берд П. Продай себя. Тактика совершенствования вашего имиджа. – Минск, 1997. – 187 с.; Браун Л. Имидж – путь к успеху. – СПб., 1996. – 98 с.; Дейвис Ф. Ваш абсолютный имидж. Книга для политиков и бизнесменов, мужчин и женщин. М.,1997. – 295 с.; Панасюк А.Ю. Вам нужен имиджмейкер. Или о том, как создать свой имидж. – М., 1998. – 239 с.; Почепцов Г.Г. Имиджелогия – М., 2000. – 768 с.; Спиллеин М. Создайте свой имидж. Руководство для женщин. – М., 1996. – 172 с.; Утлик Э.П. Практическая психология имиджа // Вестник университета. Сер. Социология и психология управления. М.: ГУУ, 1999. С.47.; Серебрянников В.В. Социология войны. М.:Ось :1998; Нефедова И., Власова Е.Я. и мой имидж. М.: ЭКСМО – Пресс, 1997. С.78.; Ковальчук, А.С. Основы имиджелогии и делового общения. – М.: Феникс. 2003. – 224 с.; Орлова Е.А. Формирование позитивного имиджа государственного деятеля. Дисс.канд.псих.наук. – М.,1997 ; Манякина Е.И.Политический лидер: процесс формирования имиджа: Дис.канд. полит. наук.М., 1994. – с.62; Ростунов А.Г., Куцыбович Л.А, Елях Г.В. Психологическая подготовка к службе в армии. – Минск: Народная Авеста, 1999. – С.64; Прохвощев В.А., Забродин Ю.М. Военная служба по контракту. – М: Нива России 1997. – 132с.; Суворов В., Чебан. А. Социально-психологический портрет воинского коллектива // Войсковой вестник. – Москва, 2005. – № 3. – С. 40-65.; Бурда С.М. Престиж военной службы // М:СоТис 1999. – С.63-69.; Андреева Г.М Социальная психология. – М : Аспект пресс , 1999. – С 172; Теплов Б.М. Ум полководца. – М.,1990 (4-е.изд.); Усманов В.А. Великая честь. // М: Военные знания.1998. – С. 18-21.; Военная психология. Под.ред А.Г.Маклакова – СПб – Питер – 2005 г; Ковалевский В.Ф. Военная профессиология : проблемы теории и практики. – М: ДОСААФ, 2007. – С. 47-89.

ва психологик қиёфаси ўртасидаги уйғунликнинг ўзига хослиги ҳақида таъкидлайди.

Имижмейкер Д.Врагг томонидан “шахс имижининг ижобий хусусиятларига коммуникативлик, янгилик яратиш қобилияти (креативлик), етуклик, сиёсатдан, янгиликлардан юксак хабардорлик, сабрлилик, амалийлик, ҳалоллик”¹² кабиларни киритади.

Келтириб ўтилган юқоридаги ҳар бир сифатлар шахс ижобий имижнинг психологик компонентлари бўлиб, улар инсонни буюк ишларга етаклайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПФ-3898-сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш” Концепциясининг 15-бандида ҳарбий хизматчининг принципларидан бири “Ҳалоллик” деб белгиланган.

Г.Почепцов бу борада қуйидаги ижтимоий типларни таклиф қилади: “раҳбар”, “уста”, “мутафаккир”, “романтик”, “профессионал”. Бунга кўра, таснифлаш бу ходисанинг чуқурлигини акс эттирмайди. Ушбу моделларнинг муаллифлари муайян ролда доим ҳар хил вазифаларни бажариб боради. Типология тилидан фойдаланиб, менежер вазиятга қараб бир вақтнинг ўзида профессионал, стратегик ва ахлоқий фазилатларини намоён қилиши керак.

А.Ростунов таърифича, ҳарбий фаолият бу – Ватанни ҳимоя қилиш фаолиятидир. Аввало, бу иккита асосий турдаги фаолиятни, яъни тинчлик ва фавқулодда вазиятлар шароитларини назарда тутаяди. С.Бурда фикрича, жанговар мақсадларга эришиш учун ҳарбийлар жанговар вазиятни ва эҳтимолий ўзгаришларни ҳисобга олиши, салбий таъсирларни бартараф этиши, қурол-яроғдан фойдалана олишнинг юқори даражада эгаллаган бўлишлари шарт саналади. Диссертация иши ана шу ва бошқа шу йўналишдаги тадқиқотлар мазмунига таянади ҳамда унда асосий эътибор замонавий ҳарбий хизматчи имижининг психологик жиҳатларига қаратилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Ўзбекистон миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Баркамол шахсни шакллантиришни психологик хусусиятлари”, “Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг ижтимоий-психологик механизмлари” ва “Мудофаа вазирлиги қўшинлари касбий фаолият самарадорлигини таъминлаш учун ҳарбий психологлар тайёрлаш модели” лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий ҳарбий хизматчи имижининг психологик жабҳаларини аниқлаш ва уларни тадқиқ этишнинг услубий жиҳатларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий ҳарбий хизматчи имижини психологик хусусиятларини нуқтаи

¹² Лисовский С.Ф. Политическая реклама. – М.: ИВЦ "Маркетинг", 2000. – 256 с.

назардан тадқиқ этиш;

имижнинг психологик жиҳатлари таҳлилида “шахс”, “касб”, “профиль” тушунчалари ва уларнинг шахс имижи билан алоқадорлигини илмий жиҳатдан асослаш;

замонавий ҳарбий хизматчи имижини тадқиқ этишда психологик таркиблар, умумпсихологик асослар ва қонуниятлар ҳамда феномен тушунчалар табиатини илмий ёритиб бериш;

Ўзбекистон миллий муҳофаа тизимида ҳарбий хизматчи имижи омилининг ролини аниқлаш ва аҳамиятини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юрти ҳамда Қуролли Кучлар кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази офицерлари, сержантлари ва оддий аскарларидан иборат 120 нафар респондент жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети замонавий ҳарбий хизматчи имижини белгиловчи психологик жиҳатларни ўрганиш ва тадқиқ этиш жараёни.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда Р.Кэттелнинг “16 омилли шахсни ўрганиш сўровномаси 16 PF (А вариант)”, В.Мильманнинг шахс мотивацион тузилмасининг диагностикаси тести (катталар учун), Я.Стреляунинг “темпераментни ўрганиш” сўровномаси, маълумотларни қайта ишлашнинг математик-статистика методлари, Студентнинг t – мезони ҳамда Ч.Пирсоннинг r – корреляция коэффициенти методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳарбий хизматчининг турмушдаги реал ва идеал мотивлари орқали имижга хос яшаш шароитини яхшиловчи, ижтимоий мақомини кўтарувчи, ижодий ва ижтимоий фаолликни таъминловчи “ижтимоий дадиллик”, “масъулиятлилик”, “сабр-бардошлилик”, “ижтимоий фаоллик” каби психологик хусусиятлари аниқланган;

ҳарбий хизматчи имижини тавсифловчи етакчи психологик омилларни аниқлаш орқали ҳарбий хизматчи имижининг ижобий ва салбий психологик сифатлари аниқланган;

ҳарбий хизматчи имижини шакллантирувчи “интеллектуаллик”, “етакчиликка интилиш”, “фаоллик”, “сезгирлик”, “ўзини ўзи тартибга солиш” каби етакчи психологик сифатлар орқали “ҳарбий хизматчининг психологик портрети”нинг услубий таъминоти ишлаб чиқилган;

ҳарбий хизматчи имижининг расмий ва касбий муносабатларини белгиловчи жамият ва давлатга, ҳарбий жамоа ва ўртоқларига, ҳарбий хизмат ва ўзига муносабати каби сифатларини аниқлаш орқали замонавий ҳарбий хизматчи имижини акс эттирувчи мезонлар тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий муҳитда замонавий ҳарбий хизматчи имижига хос ижобий ва салбий психологик сифатлар аниқланган;

ҳарбий хизматчиларнинг ижобий имижини тадқиқ этиш имконини берувчи шахс сўровномалари ва айрим психологик методикалар амалиётда синовдан ўтказилиб, Муҳофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида

амалиётга татбиқ этилиши тавсия этилган;

замонавий ҳарбий хизматчи имижининг психологик жиҳатларини аниқлашга доир психологик методикалар тизимлаштирилган;

ҳарбий хизматчилар фаолиятини тўғри ташкил этиш ва уларни ҳарбий-касбий танловда амалий жиҳатдан қўлланилиши мумкин бўлган психодиагностик натижалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, аввало, тадқиқотда қўлланилган методикалар ва математик-статистик аниқ методлар жаҳон тажрибасида кўп қўлланилганлиги, олинган эмпирик усуллар назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинганлиги, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги билан, тадқиқотда тақдим этилган маълумотлар аниқ манбаларга таянганлиги, тадқиқот доирасининг кенглиги сифатида турли ҳудудлардаги ҳарбий қисм ва муассасалар танлангани, барча оралиқ натижалар йирик илмий анжуманлар фаолияти доирасида етакчи олимлар иштирокида муҳокама қилинганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳарбий хизматчи имижининг психологик жиҳатлари халқаро миқёсда ўзининг ишончли эканини тасдиқлаган диагностик воситалар орқали тўплангани, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилгани, тадқиқот объекти сифатида турли ҳудудлардаги ҳарбий қисм ва муассасалар танланганлиги, синалувчилар гуруҳининг репрезентативлиги, олинган эмпирик қийматлар математик-статистиканиннг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасалари ва олий ҳарбий билим юрти ўқув муассасаларида ўтиладиган “Умумий психология”, “Ҳарбий психология”, “Бошқарув психологияси”, “Шахс психологияси”, “Психодиагностика”, “Касб психологияси” фанларини илмий манбалар билан бойитишда ва ҳарбий психологлар малакасини оширишда шунингдек, ҳарбий хизматчиларни ватанпарвалик руҳида тарбиялашда, шахсий таркибни ахлоқий-руҳий ҳолатини аниқлашда, номзодларни ҳарбий касбга саралаш ва йўллашда, ҳарбий кадрларни лавозимларга қўйишда, ҳарбий хизматчиларнинг ижобий психологик омилларини аниқлашда ҳамда мудофаа фаолияти имижини кўтаришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий ҳарбий хизматчи имижининг психологик жиҳатлари бўйича олинган илмий тадқиқот ишлари натижалари асосида:

ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитини яхшилаш ва ижтимоий мақомини кўтариш учун ижодий ва ижтимоий фаолликни таъминлашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларининг фаолиятида амалиётга татбиқ этилган (Мудофаа вазирлиги

Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармасининг 2019 йил 29 июлдаги 14/2614-сон маълумотномаси). Натижада ҳарбий хизматчининг ижодий ва ижтимоий фаоллигини таъминлашга ижобий таъсир этган;

фуқароларни олий ҳарбий таълим муассасаларига саралаб олишда “ҳарбий хизматчи имижининг ижобий ва салбий психологик сифатлари” бўйича олинган хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасалари фаолиятида фойдаланилган (Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармасининг 2019 йил 29 июлдаги 14/2614-сон маълумотномаси). Натижада ҳарбий хизматчининг психологик сифатларини аниқлаш ишларининг илмий ва амалий таъминоти кучайишига хизмат қилган;

ҳарбий қисм ва муассасаларда “Ҳарбий хизматчиларнинг психологик паспорти”ни мужассамлаштиришда “ҳарбий хизматчининг психологик портрети”га оид хулосалар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларининг фаолиятида амалиётга татбиқ этилган (Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармасининг 2019 йил 29 июлдаги 14/2614-сон маълумотномаси). Натижада ҳарбий хизматчининг шахсий-касбий фазилатлари билан ишлашда индивидуал ёндашув услубиятини такомиллаштиришга эришилган;

“Тактик ўқув”ларда ҳарбий хизматчини жамият ва давлатга, ҳарбий жамоа ва ўртоқларига, ҳарбий хизмат ва ўзига муносабати аниқлаш мақсадида “замонавий ҳарбий хизматчи имижини акс эттирувчи мезонлар тизими” бўйича олинган хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасалари фаолиятида фойдаланилган (Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармасининг 2019 йил 29 июлдаги 14/2614-сон маълумотномаси). Натижада ҳарбий хизматчининг ватанпарварлик, ҳарбий бурч ва маъсулият каби туйғуларини ривожланишига ижобий таъсир этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни 2 та хориж, 10 та республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, булардан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, конференция ва семинар материаллари тўпламида 7 та, хорижий халқаро илмий анжуманлар тўпламида 1 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 131 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг *кириш* қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти аниқлаштирилган, илмий янгилиги баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

“Ҳарбий хизматчи имижини муаммосининг психологик тадқиқотларда ўрганилганлик ҳолати” деб номланган бобда имиж феноменининг назарий тадқиқи ўрин олган бўлиб, бунда имиж хориж тадқиқотчилари томонидан ўрганилган муаммо сифатида кенг очиб берилган. Унда келтирилган натижаларда имиж феноменининг турлари, шакллари, психологик табиати, ўз-ўзини бошқариш имижини, ҳарбий хизматчи имижининг психологик хусусиятлари муаммоларига оид назарий ёндашувлар таҳлили акс этади.

Бобнинг асосий мазмуни имиж муаммосини ўрганиш бўйича турли олимлар (Джи.Бобби, П.Берд, Л.Браун, Ф.Дейвис, А.Панасюк, Г.Почепцов, М.Спиллеин, Э.Утлик) томонидан ўтказилган тадқиқот ишлари, уларнинг натижалари таҳлилдан иборат. Улар ўз таърифларида имижни психологик тасвир сифатида ўрганиб, ижобий ва объектив, ички ва ташқи кўринишларини, имиж турлари намоён бўлишининг психологик омилларига кўра фарқлаб кўрсатганлар.

Шунингдек, диссертациянинг мазкур қисмида Ўзбекистон олимларидан Э.Ғозиев, А.Жаббаров, В.Каримова, Д.Мухамедова, А.Расулов, Р.Самаров ва Л.Турсуновларнинг ҳарбий психология, ҳарбий шахс модели, бошқарув психологияси, муҳофаазий фаолият назарий ёндашувлари, Қуролли Кучлар имижини шаклланиши, ижтимоий психологияга оид тадқиқотлар ва илмий монографиялари мазмуни ҳам тадқиқотда акс этган.

Юқорида келтирилган тадқиқотлардаги ҳолатларни ҳисобга олсак, ҳарбий имиж муаммосининг аниқ тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини ва аҳамиятини белгилайди.

“Замонавий ҳарбий хизматчи имижининг психологик жиҳатларини методологик асослаш” деб ном олган бобда ҳарбий профессионал фаолиятнинг психологик хусусиятлари, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчининг психологик профили ва ҳарбий хизмат меъёрларининг ҳарбий хизматчи имижини шаклланишига таъсирини ўрганиш юзасидан ўтказилган тадқиқотнинг назарий таҳлиллари келтирилган.

Айниқса, ҳарбий-касбий фаолиятнинг психологик хусусиятларига асосий эътибор қаратилиб, бунда ҳарбий хизматчининг жанговар ҳолатга психологик тайёргарлиги, ҳарбий хизмат ва ҳарбий вазифаларни бажарувчи ўртасидаги муносабатлар, ҳарбий жиҳозларни ўрганиш ва унга мослашиш, жанговар вазифаларни бажариш ва ўзида фидоийлик сифатини ошириш каби масалаларнинг назарий шарҳлари ёритилган бўлиб, “Шартнома асосидаги ҳарбий хизматчининг психологик профили” деб номланган иккинчи қисмда,

ҳарбий хизматчи профилига хос сифатлар: ахлоқий характерга эга бўлиш, хизмат мотивациясининг устунлиги, қизиқиш ва эҳтиёжларнинг касб доирасида кенг кўламлилиги, ҳарбий касб фаолияти учун зарур бўлган билим, кўникма, қобилият ва ижобий одатларни шаклланганлиги, ҳар қандай шароитда ҳарбий хизматчида турғун-эмоционал барқарорликни ривожланганлиги, сабр-бардошлилик, тартиб-интизомлилики, дадиллик, махсус қобилиятларни юқори даражада эканлиги, командир ва бошлиқларга шубҳасиз итоат қилиш каби масалаларнинг методологик асослари ёритилган.

Диссертациянинг **“Замонавий ҳарбий хизматчи имижининг психологик тадқиқи натижаларининг таҳлили”** деб номланган бобида замонавий ҳарбий имижини ривожланишининг хусусиятлари ҳамда намоён бўлишининг шахслик хусусиятлари, мотивацион, ҳиссий профиллари ва асаб қўзғалиш кучи даражасини ёритувчи эмпирик маълумотлар келтирилган. Тадқиқот натижаларига кўра, ҳарбий хизматчи имижини шаклланишига таъсир қилувчи шахслик хусусиятлари қуйидагича эканлиги аниқланди.

Р.Кэттелл сўровномасининг (16 PF) статистик кўрсаткичлари “оддий аскарларда” тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, стандарт меъёрлар бўйича ҳар бир шкалада оддий аскарлар таркибининг кўп омилли шахс хусусиятларининг статистик кўрсаткичлари стандарт меъёр бўйича умумий ўртача ташкил этмоқда. Уларда киришимлилики ($M=6,38$), ижтимоий дадиллик ($M=5,60$), таъсирчанлик ($M=6,83$), шубҳаланувчан ($M=6,23$), ҳаёлий тимсоллари бой ($M=6,53$), безовтали ($M=6,53$), янгиликка сезгир ($M=6,60$), мустақиллик ($M=5,00$), ўзини ўзи тартибга солиш ($M=6,65$), мослашувчанлик ($M=6,93$) бу эса одамлар билан ишлашни афзал биладиган, белгиланган топшириқларни ўз вақтида бажариши билан биргаликда доимо жамоавий равишда ишлашга тайёр эканлигини акс этади.

“Сержантларда” кўп омилли шахс сўровномаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари статистик кўрсаткичлари сўровномадаги белгиланган стандарт нормалар бўйича киришимлилики ($M=5,85$), етакчиликка интилиш ($M=5,75$), ижтимоий дадиллик ($M=5,65$), таъсирчанлик ($M=6,50$), шубҳаланувчанлик ($M=6,50$), безовтали ($M=6,53$), янгиликка сезгир ($M=6,60$), мустақиллик ($M=5,00$), ўзини ўзи тартибга солиш ($M=6,65$), зўриққанлик ($M=7,08$) каби натижаларни акс эттирди. Бундан кўриниб турибдики, сержантлар таркиби ҳар бир шкала бўйича умумий ўртача кўрсаткич омилига бирлашган. Сержантлар шахслар билан ишлашда биргаликда ишлашга тайёр эканлиги, ўзининг хатти-ҳаракатларини доимо бир позицияда ушлайдиган, шахслараро муносабатларга киришганда мулоқотдошни танлашда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ҳиссий жиҳатдан барқарор, атрофдагилар билан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни, баъзида ўзгаларни нотўғри талқин қилиш истаги, эмоционал ҳолатларни назорат қилишнинг юқорилиги билан ва ўзининг хулқ-атворини бошқара оладиган, кескин ҳаракатларни амалга ошириши, стресснинг кучайиши ва энергиянинг юқорилиги, ўзини ўзи тартибга солишнинг юқори кечиши билан фарқланиши мумкин.

“Офицерларда” замонавий ҳарбий хизматчи имижининг психологик хусусиятларидан олинган натижалар, шахснинг кўп омилли хусусиятларига бўлган муносабати бўйича офицерларнинг кўрсаткичларидан ҳам ўртача нисбатда эканлиги аниқланган. Умуман олганда ҳарбий хизматчиларнинг кўп омилли шахс сўровномаси бўйича кўрсатган натижалари киришимлилиқ (M=5,98), интеллектуаллик (M=5,28), етакчиликка интилиш (M=5,45), ижтимоий дадиллик (M=6,00), таъсирчанлик (M=7,13), шубҳаланувчанлик (M=6,28), хаёлий тимсоллари бой (M=6,35), безовталилик (M=7,00), янгиликка сезгир (M=6,95), ўзини ўзи тартибга солиш (M=6,15), зўриққанлик (M=6,95) омиллар орасида асосан ҳиссий барқарорликдан кўра, когнитив хулқ-атворнинг устунлиги билан фарқланди. Омиллар орасида шу нарса яққол сезилдики, офицерларда сержантлар ва оддий аскарларга қараганда интеллектнинг кучли эканлиги алоҳида кўзга ташланди.


Я.Стреляу сўровномасининг статистик кўрсаткичлари “оддий аскарларда” олинган тадқиқот натижаларида қатор эътиборли натижалар аниқланди. Оддий аскарларнинг стандарт нормага кўра, биринчи шкала, яъни кўзғалиш кучи даражаси (M=62,65) даражани, тормозланиш кучи шкаласи бўйича эса оддий аскарларда меъёрий кўрсаткичларга нисбатан (M=60,25) даражада пастрок эканлиги аниқланди. Ҳаракатланиш кучи шкаласи бўйича ҳам оддий аскарлар стандарт кўрсаткичлар бўйича (M=62,23) даража билан юқори натижаларни олган. Тўртинчи шкала мувозанатлашганлик кучи бўйича олинган натижалар 1,00 ни ташкил этган. Бу эса, кўзғалишга нисбатан мувозанат етакчилик қилганини кўрсатади.

“Сержантларда” кўзғалиш кучи меъёрий кўрсаткичга биноан (M=63,63) билан юқори натижани ташкил қилган. Иккинчи шкала, яъни тормозланиш кучи ҳам кўзғалиш кучи билан бир хил натижани кўрсатди. Сержантлар таркибида тормозланиш кучи пастрлиги, қатъий меҳнат асосида фаолият юритишида чарчоқ ҳолати ҳукм сурмаслиги билан белгиланади. Учинчи шкала ҳаракатланиш кучига кўра, сержантлар натижалари стандарт кўрсаткич бўйича юқори (M=61,48) даражани кўрсатган. Мувозанатлашганлик кучи омили бўйича сержантлар натижалари 0,85-1,15 оралиғида жойлашган бўлиб, уларнинг даражаси мувозанатлашганлик кучини акс этган.

“Офицерларда” кўзғалиш кучи шкаласи стандарт норма ҳолати бўйича юқори натижа (M=57,65)ни қайд этган. Тормозланиш кучи шкаласи даражалари оддий аскарлар ва сержантларга қараганда бирозгина фарқ билан (M=58,45) даражадаги натижани намоён этган. Офицерларда ҳаракатланиш кучи юқорилиги, улардаги касбий машаққатнинг барқарорлиги билан фарқланди. Мувозанатлашганлик шкаласи бўйича ҳам 0,96 қиймат билан нормада эканлиги намоён бўлди. Я.Стреляу сўровномаси бўйича яна бир тадқиқотчи олимлар Е.Николаева, К.Яворовичлар томонидан амалга оширилган тадқиқотда натижалар меъёрий кўрсаткичлар бўйича пастр чикқанлигини кўриш мумкин. Бу тадқиқотда шахснинг нерв кўзғалиш кучи, аралаш қўл ҳаракатлари бўйича (M=36,4) кўрсаткични ташкил этган.

Навбатдаги келтириладиган тадқиқот натижаларимиз ҳарбий хизматчининг мотивацион ва эмоционал профиллари хусусида фикр юритилади.


Оддий аскарлардан олинган П-тирикчиликни таъминлаш ($M=7,625$), К-комфортлик ($M=6,05$), С-ижтимоий мақом ($M=6,025$), О-мулоқот ($M=6,05$), Д-умумий фаоллик ($M=7,45$), ДР-ижодий фаоллик ($M=9,525$), ОД-ижтимоий фаоллик ($M=6,375$) каби натижалардан мотивацион профиль типидан прогрессив тип устун эканлиги қайд этилди. Прогрессив тип бу – мотивларни ривожлантирувчи даража бўлиб, ишда ёки ўқишда муваффақият қозонган шахсларда устунлик қилади. Шунингдек, ижтимоий йўналтирилган позициядаги шахсларга ҳам хос саналади (1-расм).



1-расм. Оддий аскарларнинг мотивацион профиль шкалалари

“Оддий аскарлар”дан олинган Эст-ижобий типдаги ҳиссий кечинмалар ($M=8,8$), Эаст-салбий типдаги ҳиссий кечинмалар ($M=4,95$), Фст-чорасиз ҳолатда ижобий хулқ-атвор ($M=9,67$), Фаст-чорасиз ҳолатда салбий хулқ-атвор ($M=3,75$) натижаларга кўра, ҳиссий профиль шкаласи бўйича ҳиссий профиль типи стеникликни қайд этди. Ижобий типда шахс фаол, ғайратли ҳиссий кечинмаларга мойиллигини ва мураккаб вазиятларда ҳам барқарор, конструктив ва бошқариладиган позицияни акс эттирди (2-расм).

“Сержантларда” ишдаги мотивацион профиль шкалалари П-тирикчиликни таъминлаш ($M=7,85$), К-комфортлик ($M=7,4$), С-ижтимоий мақом ($M=6,975$), О-мулоқот ($M=7,25$), Д-умумий фаоллик ($M=8,05$), ДР-ижодий фаоллик ($M=10,4$), ОД-ижтимоий фаоллик ($M=7,05$) натижаларига асосан, идеал ҳолатда умумий фаоллик ва ижодий фаоллик шкалалари устун келганлигини, реал ҳолатда эса, тирикчиликни таъминлаш, комфортлик, ижтимоий мақом ва ижодий фаоллик шкалалари юқори чикқанлигини кўриш мумкин. Сержантларда ҳам иш жараёнида муваффақият қозониш кучлироқ эканлиги намоён бўлди.



2-расм. Оддий аскарларнинг ҳиссий профиль шкалалари

Кўришиб турганидек, “сержантларда” ҳиссий профиль шкаласи бўйича Эст-ижобий типдаги ҳиссий кечинмалар ($M=10,5$), Эаст-салбий типдаги ҳиссий кечинмалар ($M=8,0$), Фст-чорасиз ҳолатда ижобий хулқ-атвор ($M=4,5$), Фаст-чорасиз ҳолатда салбий хулқ-атвор ($M=6,5$) натижаларга кўра, салбий эмоция типдаги ҳиссий кечинмаларга йўналганлик, фрустрацияни бошдан кечиришнинг салбий типи юқорилиги кузатилди. Сержантларнинг ҳиссий профиль типи салбийликни келтириб чиқарди. Салбий типда ҳиссий кечинмаларга мойиллик, қийин вазиятларда шахс ўзини бошқаришда қийналиши ва турли хил ҳимоя механизмларини намоён этишини акс эттиради.

“Офицерларда” умумий ва ишдаги мотивацион профиллар шкаласи бўйича П-тирикчиликни таъминлаш ($M=7,625$), К-комфортлик ($M=6,05$), С-ижтимоий мақом ($M=6,025$), О-мулоқот ($M=6,05$), Д-умумий фаоллик ($M=7,45$), ДР-ижодий фаоллик ($M=9,525$), ОД-ижтимоий фаоллик ($M=6,65$) натижаларига асосан, прогрессив типга мансублиги келиб чиққан. Прогрессив типдаги хизматчилар касбий фаолият ва бошқа ҳаётий вазиятларни осонлик билан ҳал эта оладиган ва муваффақиятларни қўлга киритадиган шахслар саналади.

“Офицерларда” эмоционал профиль шкаласига кўра, Эст-ижобий типдаги ҳиссий кечинмалар ($M=8,5$), Эаст-салбий типдаги ҳиссий кечинмалар ($M=4,5$), Фст-чорасиз ҳолатда ижобий хулқ-атвор ($M=9,75$), Фаст-чорасиз ҳолатда салбий хулқ-атвор ($M=3,75$) олинган натижалар офицерларда ижобий эмоция типдаги ҳиссий кечинмаларга йўналганлик ва фрустрация ҳолатида кечинма ва хулқ-атворнинг ижобий тури етакчилик қилаётганлиги нгамён бўлди.

Ҳарбий хизматчи имижини психологик жиҳатдан таҳлил этишда ўтаказилган методикаларнинг ўзаро коррелятлари орасидаги муносабатларни ҳам таҳлил қилиш лозим.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, Р.Кэттелнинг “Ўн олти омилли шахсни ўрганиш 16 PF (А вариант)” сўровномасининг оддий аскарларда r-корреляция кўрсаткичлари бўйича омилар орасидаги корреляцион алоқалар кўпроқ интеллектуаллик, етакчиликка интилиш, беғамлик, ижтимоий меъёрларга риоя қилиш ва мурасокорлик омиллари билан ижобий боғланаётганлигини кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**Р.Кэттел сўровномасининг (16 PF) r-корреляция кўрсаткичлари
(оддий аскарларда)**

Ижтимоий меъёрларга риоя этиш	Ижобий фаоллик	0,351**
	Ижобий “Мен”	0,398**
	Ўзини ўзи тартибга солиш	0,378*
Киришимлилиқ	Шубҳаланувчан	-0,210*
Интеллектуаллик	Ижтимоий дадиллик	-0,229*
	Хаёлий тимсоллари бой	0,185*
	Хавотирланиш	-0,213*
	Интроверт-экстраверт	0,560**
	Мурасокор	0,285*
Ҳиссий барқарорлик	Шубҳаланувчан	0,211*
Етакчиликка интилиш	Ижобий фаоллик	0,361**
	Таъсирчанлик	0,228*
	Етакчиликка интилиш	0,228*
	Безовтали	-0,182*
	Интроверт-экстраверт	0,287**
Ижобий фаоллик	Таъсирчанлик	-0,275*
	Безовдаланиш	0,294**
	Зўриққанлик	-0,259**
	Хавотирланиш	0,236**
	Интроверт-экстраверт	0,202*
	Сезгирлик	0,226*
Ижтимоий дадиллик	Ижобий фаоллик	0,233*
Таъсирчанлик	Таъсирчанлик	0,272**
Хаёлий тимсоллари бой	Хотиржам	-0,222*
Мурасокорлик	Ижобий “Мен”	0,217*
	Хавотирланиш	0,362**
	Интроверт-экстраверт	0,312**
Безовдаланиш	Ўзини ўзи тартибга солиш	-0,225*
Мустақиллик	Интроверт-экстраверт	0,227*
Хавотирланиш	Интроверт-экстраверт	0,184*

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$. Р.Кэттелнинг “Ўн олти омилли шахсни ўрганиш 16 PF (А вариант)” психологик сўровномасининг сержантларда r-корреляция кўрсаткичлари бўйича омилар орасидаги ўзаро коррелятлари ватанпарварлик туйғусини таъминловчи омилар ижтимоий меъёрларга риоя қилиш омили, ёпиқ-очиқ омили, амалий-ҳаёлчан, кучсиз-кучли интеллект

омили, Мен заиф-Мен кучли, бўйсунуш-ҳукмронлик омили тортинчоқ-дадиллик, тортинчоқ-дадиллик омили масъулиятли-масъулиятсиз, куйи-юқори мен омили, соддалик-зийраклик, қатъиятсиз-қатъиятлилик омили амалий-хаёлчан омили шубҳаланиш-ишониш омиллари ўрта даражада алоқадорлик касб этаётганлигини ва офицерларда эса шкалалар орасидаги ўзаро коррелятлар оддий аскарлар ва сержантлар билан бир хил даражада қайд қилинганлиги аниқланди.

В.Мильман сўровномасининг r -корреляция кўрсаткичлари “оддий аскарларда” олинган натижалар оддий аскарларда турмушдаги идеал мотив ишда идеал мотив ($r=0,534$, $p\leq 0,01$), салбий фрустрация ($r=0,409$, $p\leq 0,01$) билан, турмушдаги реал мотив ижобий фрустрация ($r=0,498$, $p\leq 0,01$) билан, ишда идеал мотив салбий эмоция ($r=0,414$, $p\leq 0,01$), салбий фрустрация ($r=0,774$, $p\leq 0,01$) ва ижобий фрустрация ($r=0,735$, $p\leq 0,01$) билан, ишда реал мотив салбий эмоция ($r=0,469$, $p\leq 0,01$) ва ижобий эмоция ($r=0,496$, $p\leq 0,01$) билан, салбий эмоция салбий фрустрация ($r=0,405$, $p\leq 0,01$) билан ва ижобий эмоция ижобий фрустрация ($r=0,434$, $p\leq 0,01$) каби омиллар орасида юқори аҳамиятга эга бўлган боғлиқликлар аниқланди.

“Сержантларда” олинган натижалар кўра, турмушдаги идеал мотив омили реал мотив билан ($r=0,585$, $p\leq 0,01$), ишдаги идеал мотив омили салбий эмоция ($r=0,378$, $p\leq 0,05$), салбий фрустрация ($r=0,777$, $p\leq 0,01$) ва ижобий фрустрация шкалалари ($r=0,655$, $p\leq 0,01$) билан, ишдаги реал мотив омили салбий эмоция ($r=0,320$, $p\leq 0,05$) ва ижобий эмоция шкалалари ($r=0,403$, $p\leq 0,01$) билан, салбий эмоция омили ижобий эмоция ($r=0,375$, $p\leq 0,05$) ва салбий фрустрация шкалалари ($r=0,357$, $p\leq 0,05$) билан ва ижобий эмоция омили эса, ижобий фрустрация шкалалари ($r=0,401$, $p\leq 0,05$) билан ўзаро алоқага киришаётганлиги аниқланди.

“Офицерларда” олинган натижаларга асосан, офицерларда турмушдаги идеал мотив омили реал мотив шкаласи ($r=0,520$, $p\leq 0,01$) билан, турмушдаги реал мотив омили ишдаги реал мотив ($r=0,518$, $p\leq 0,01$), салбий эмоция ($r=0,380$, $p\leq 0,05$), ижобий эмоция ($r=0,345$, $p\leq 0,05$) ва ижобий фрустрация шкалалари ($r=0,353$, $p\leq 0,05$) билан, ишдаги реал мотив омили салбий эмоция ($r=0,448$, $p\leq 0,01$) ва ижобий фрустрация шкалалари ($r=0,376$, $p\leq 0,05$) билан ва эмоциоанал стеник омили билан эса, ижобий фрустрация омиллари ($r=0,520$, $p\leq 0,01$) билан аҳамиятли даражада алоқадорлиги кузатилади.


Я.Стреляу сўровномасининг r – корреляция кўрсаткичлари “оддий аскарларда” кўзғалиш кучи омили тормозланиш кучи ($r=0,483$, $p\leq 0,01$), ҳаракатланиш кучи ($r=0,488$, $p\leq 0,01$) ва мувозанатлашганлик кучи шкалалари ($r=0,471$, $p\leq 0,01$) билан, тормозланиш кучи омили ҳаракатланиш кучи омили ($r=0,458$, $p\leq 0,01$) билан, ҳаракатланиш кучи омили эса, мувозанатлашганлик кучи шкалалари ($r=0,507$, $p\leq 0,01$) билан ўзаро боғлиқ равишда коррелятларга бирлашганлиги қайд этилди.

